Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожла-нишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маданий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қорақалпоғистон Республикаси архитектурасида монументал санъат ва уни ривожлантиришга бағишланган илмий ишлар сони жуда камчиликни ташкил қилади. Қорақалпоғистон монументал тасвирий санъатида керамик плиталар ва витражларни қўллаш, биноларни безатишда мозаика паннолари, ҳайкалли рельефлар, барельефлар техникаси ва технологиясига бағишланган айрим мақолалар мавжуд ҳолос.

Қорақалпоғистон Республикаси архитектурасида монументал санъатни ривожлантиришнинг бази муаммолари архитекторлар К. Молутов²⁶, Ж. Шнекеев²⁷, санъатшунослар А. Алламуратов²⁸, И.В.Савицкий²⁹, Г.Турдымуратова³⁰, С.Есбергенова³¹ ва бир қатор бошқа муаллифларнинг мақолаларида ёритилган. Ўтган асрнинг 60-ва 70-йилларидаёқ кўплаб архитекторлар, рассомлар, назарийчилар, тарихчилар, тандқидчилар (С.Базазьянц, М.Бархин, А.Бурханов, Ю.Герчук, А.Матвеева, В.Толстой, О.Швидковский ва бошқалар)нинг мақолалари ва тадқиқотларида МДХ мамлакатлари ҳудудларида монументал-безак санъатини индустриал оммавий қурилиш билан боғлаб тарғиб қилиш бошланган эди.

Кейинги йилларда қурилган оммавий турар-жой биноларининг бадиий муҳитини тадқиқ қилиш ва архитектуравий образлар санъатини синтез қилишда монументал-безак ҳайкалтарошлик, архитектуравий пластика самарали илмий йўналишлар қаторига кирмоқда. Улар орасидан О.Торениязов томонидан Нукус шаҳри биноларини архитектуравий безашнинг қўлланилишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

²⁶ Молутов К.М. Пути развития архитектуры советской Каракалпакии.// Автореферат канд. дисс. –Баку, 1990.

²⁷ Шнекеев Ж.К. Особенности жилого комплекса Южного Приаралья //Архитектура, строительство, дизайн. журнал, №2,2016.

²⁸ Алламуратов А. Каракалпакская народная вышивка.-Нукус, 1977.

²⁹ Савицкий И.В. Народное прикладное искусство Каракалпаков.-М.,1964.

³⁰ Турдымуратова Г. Из истории становления и развития монументального искусства Каракалпакстана 1970-2000 г.г.// В книге Ф.Есенгалиева «Длина жизни».-Алматы, 2012.

³¹ Есбергенова С.Х. Почитание животных в культовой практике Каракалпаков (конец XIX-середина XX в.)// Автореферат канд. дисс.-Нукус, 2001.

Бундан ташқари, Г.А.Мамбеткадыров³², М. Туребеков³³, А.Ю.Мальчик³⁴ каби мутахассисларнинг ҳам ишлари монументал декоратив санъатини шакллантиришга бағишланган. Турар-жой ва жамоат биноларини ривожлантириш тадқиқотларига бағишланган ишларда миллий безак элементларига эга бўлган замонавий архитектура масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бундай ишлар қаторига, даставвал, М.Қ. Аҳмедов³⁵, Ш.Ж. Аскар³⁶, Д.А.Назилов³⁷, С.А. Уралов³⁸, Д.Н. Султанова³⁹, М.А.Юсупова⁴⁰, Т.Ф.Қодирова⁴¹ ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда устувор ривожлантириш концепцияларини амалга ошириш истикболлари ландшафт безак санъатининг замонавий усулларини шаҳарсозликка қўллаш билан бевосита боғлиқдир. Шунга боғлиқ равишда Е.В.Забелина⁴², В.Я.Курбатов⁴³, В.А.Нефедов⁴⁴, А.С.Уралов, Л.А.Адилова⁴⁵, К.Д.Рахимов⁴⁶, С.Н.Садыкова⁴⁷ ва кўплаб бошқа олимларнинг ишларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлиб, уларда шаҳарлар ландшафт архитектурасининг услуб ва воситалари, таркиб топган муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва замонавий шаҳарсозликдаги ландшафт дизайни ва боғ-парк санъати масалалари баён этилган.

Юқорида келтирилган таҳлил Қорақалпоғистон Республикаси архитектурасида монументал-безак санъатини шакллантириш ва ривожлантириш йўллариини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ҳанузгача етарли даражада эмаслигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассаса-сининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий қадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» (2016-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

³² Мамбеткадыров Г.А. Формирование и развитие скульптуры Каракалпакстана (60 гг. XX – нач. XXI в.)// Автореферат канд. Дисс. –Ташкент, 2018.

³³ Туребеков М. Раскопки жилого массива №1 Средневекового Миздакхана. -// история и материальная культура Каракалпакстана. -Нукус. 2006.

³⁴ Мальчик А.Ю. Роль орнаментов в формировании архитектуры Киргизстана.// Автореферат канд.дисс. - Бишкек, 2012.

³⁵ Аҳмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т.,1997.

³⁶ Аскар Ш.Ж. Генезис архитектуры Узбекистана. –Т.,2014.

³⁷ Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интеъер. –Т.,2005.

³⁸ Уралов А.С. Меъморий шаклларни уйғунлаштириш ва безаш. – С.,2003.

³⁹ Султанова Д.Н. Ўзбекистон меъморчилигида тасвирий ва бадий воситаларни уйғунлаштириш. –С., 2010.

⁴⁰ Юсупова М.А.Полвека трансформации архитектуры Узбекистан. Конец XIX-начало XX в.-Т.,2005.

⁴¹ Кадырова Т.Ф.Пути архитектурного возрождения Узбекистана за XX-нач. XI вв.-Т.,2007.

⁴² Забелина Е.В. Поиск новых форм в ландшафтной архитектуре. –М.,2005.

⁴³ Курбатова В.Я. Всеобщая история ландшафтного искусства. Сады и парки мира. –М.,2007.

⁴⁴ Нефёдов В.А. Новая область ландшафтного дизайна. –М.,2004.

⁴⁵ Уралов А.С., Адилова Л.А. Ландшафтная архитектура. –Т.,2016.

⁴⁶ Рахимов К.Д. Боғ-паркларни лойиҳалашнинг замонавий йўналишлари. –Т.,2017.

⁴⁷ Уралов А.С., Садыкова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий «Чорбоғ» услуби ва замонавий боғ-парк санъати. - Т.,2016.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон шаҳар муҳити экстерьерери ва ландшафт архитектурасида монументал-безак санъатини шакллантириш ва ривожлантиришнинг истиқболли йўллари аниқлаш ва замонавий архитектурага миллийлик хусусиятларини киритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қорақалпоғистонда маҳобатли безак санъатининг шаклланиш асослари ва ривожланиш босқичларини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;

замонавий меъморий мажмуалар билан монументал санъатнинг муштараклигини, яъни синтезини, уни англаш ва тушуниш омилларини таҳлил қилиш;

замонавий архитектурага хос миллий безаклар хусусиятларини ўрганиш;

Қорақалпоғистон халқ меъморчилигида маҳобатли безак санъатининг роли ва ўрнини аниқлаш;

замонавий қорақалпоқ архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал безак санъатини қўллаш тамойиллари ва уни ривожлантиришнинг истиқболли йўллари аниқлаш ва илмий шакллантириш;

монументал безак ва халқ амалий санъатини ландшафт муҳитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистондаги замонавий жамоат ва тураржой бинолари экстерьерлари архитектураси, деворий монументал ташқи ва ички нақшлар, ҳайкаллар, ландшафт очик муҳитидаги халқ амалий санъати безаклари олинган.

Тадқиқот предмети. Қорақалпоғистоннинг замонавий архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал безак санъатини ривожлантиришнинг илғор йўллари ва миллий услубларини излаб топишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Муаммога доир илмий адабиётлар, меъморий лойиҳалар ва бунёд этилган тадқиқот объектларини натурал ўрганиш, фотофиксациялар қилиш, тўпланган материалларни таққослаш, таҳлил қилиш, монументал-безак санъатига доир тарихий анъаналар, ижодий йўналишларни ўрганиш ва умумлаштириш каби усуллардан фойдаланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жамоат биноларида маҳобатли безак санъати монументал мозаикали (1960-80 йй.), рельефли (1980-90 йй.) ва деворий нақш (мустақиллик йиллари) безаклари каби босқичларда шаклланганлиги аниқланган;

қорақалпоқ миллий либосларидаги геометрик, зооморф, буюмли, ўсимликсимон анъанавий безак элементлари замонавий архитектура бинолари безакларида кенг қўлланилаётганлиги аниқланган;

шаҳар муҳитини ободонлаштиришда ва кўкаламзорлаштиришда рельеф билан боғлиқ бўлган қурилмалар, сув дизайни воситалари, ландшафт дизайни воситалари, кичик архитектуравий шакллар ва ёруғлик воситалари, маҳобатли-безак санъати воситалари каби бешта дизайн компонентларидан фойдаланиш яхши самара бериши исботланган;

Қорақалпоғистон монументал-безак санъатининг бадий хусусиятлари, композициявий усуллари, колорити, гирих, зооморф ўсимликсимон нақшлари, уларнинг ўзаро геометрик уйғинлиги аниқланган;

Нукус шаҳридаги Амфитеатр биноси экстеръери ва турар жой бинолари учун халқ амалий санъатига хос деворий нақшларнинг график бадий – график моделлари яратилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон анъанавий ва замонавий меъморчилигига хос миллий қадриятлар аниқланиб, улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

монументал санъатини бугунги кун шаҳарсозлиги ва меъморий мажмуалари билан синтезлаштириш асослари, ушбу санъат йўналишининг турлари ва уларни бадиий баҳолаш меъзонлари ишлаб чиқилган;

замонавий қорақалпоқ меъморчилиги ва шаҳарсозлигида монументал безак санъатини қўллаш тамойиллари ва уни келажакда ривожлантиришнинг самарали йўллари аниқланган;

монументал безак ва халқ амалий санъатини шаҳарсозлик ва ландшафт очиқ муҳитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган тамойиллар ва тавсиялар асосида монументал безак санъати бўйича Нукус шаҳри меъморий объектларига лойиҳавий таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндошувлар, усуллар ва назарий маълумотларнинг архитектуравий лойиҳалаш орқали амалиётга жорий этилганлиги, Тошкент архитектура-қурилиш институти қошидаги илмий семинарда муҳокама этилиб, ижобий баҳоланганлиги, жорий этилган натижаларнинг республикадаги соҳага тегишли ваколатли тузилмалар томонидан эътироф этилганлиги тўғрисидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти истиқлол даври Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон архитектураси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси архитектура-қурилиш олий таълим муассасаларида «Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари архитектураси», «Архитектуравий лойиҳалаш», «Бадиий дизайн» фанларини ўқитишда, Қорақалпоғистоннинг истиқлол йиллари архитектураси ва монументал санъатига бағишланган илмий монографияларни, магистрлик диссертацияларини тайёрлашда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қорақалпоғистон архитектурасига миллий тус беришда, ушбу республикада монументал безак санъатини ривожлантиришда, унинг янги турлари ва қирраларини яратишда ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик, ландшафт дизайни лойиҳаларини яратишда кенг фойдаланилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон замонавий архитектурасида монументал-безак санъатининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нукус шаҳридаги Амфитеатр биноси экстеръери учун монументал безаклар лойиҳаси ва турар жой бинолари учун халқ амалий санъатига хос

деворий нақшлар бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа таклифлари амалиётда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 7 январ-даги 01-07/01-10-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Қорақалпоғистон шаҳарсозлик амалиётида монументал-безак санъатини ривожлантиришнинг самарали йўллари топиш имконини берган;

Нукус шаҳрининг марказий кўчалари учун миллий нақшлар шаклида яратилган ландшафт архитектураси бўйича ишлаб чиқилган таклиф лойиҳалари амалиётда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 01-07/01-10-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши архитектура ва шаҳарсозликда монументал-безак санъатини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари шакллантиришга хизмат қилган;

кадимдан то ҳозирги кунгача Қорақалпоғистон худудида бунёд этилган бино ва иншоотларда мавжуд бўлган монументал-безак санъатининг хусусиятлари, композициявий усуллари, колорити, геометрик, зооморф ва ўсимликсимон нақшлари, уларнинг ўзаро уйғунлик жиҳатлари, шунингдек маҳобатли безак санъатининг жамоат биноларида монументал мозаикали (1960-80 йй.), рельефли (1980-90 йй.) ва деворий нақш (мустақиллик йиллари) безаклари каби босқичларда шаклланганлигига доир илмий маълумотлардан амалиётда фойдаланилган (Хоразм Маъмун Академиясининг 2018 йил 11 декабрдаги 15/11-21-сон далолатномаси). Илмий натижаларнинг тадбиқ этилиши Ичан Қалъа кўриқхонаси тарихий музей худудининг безакларини анъанавий услубларда яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий мақолалар чоп этилган, улардан 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси тавсия этган илмий нашрларда, 6 таси республика журналларида ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳамда зарурияти асосланган, муаммонинг ҳозирги кундаги ўрганилиш даражасига тавсиф берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва методлари очиб берилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қорақалпоғистон монументал-безак санъатининг шаклланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобида Қорақалпоғистонда архитектура ва шаҳар қурилишида монументал санъатининг вужудга келиши ва

шаклланиши, ушбу санъатнинг Нукус шаҳрида 1960 йилдан ҳозирги кунга қадар, шу жумладан мустақиллик даврида шаклланиш тарихи ва асосий ривожланиш босқичлари таҳлил қилинган.

Монументал – декоратив ва декоратив ҳайкалтарошликнинг ўзаро таъсири қурилиш индустриал ишлаб чиқаришида архитектура ва декоратив – амалий санъатшунослик назариясининг энг долзарб ва кам ўрганилган бўлимларининг бири бўлиб ҳисобланади.

Монументал санъат аниқ бир архитектура муҳити учун яратилган ва унга мос ғоявий сифатга, шунингдек визуал архитетоник ва рангли мазмунга эга кенг доирадаги асарларни ўз ичига қамраб олади. Монументал санъатга ҳайкаллар ва монументлар, ҳайкалтарошлик, рассомлик санъати, биноларнинг мозайкали кўриниши, витражи, шаҳар ва парк ҳайкалтарошлиги, декоратив фавворалар ва ҳоказолар киради (шунунгдек, айрим тадқиқотчилар монументал санъатга архитектура асарларини ҳам киритган).

Тарзлардаги тасвирий-тематика мажмуи, майдонлардаги ҳайкаллар, одатта замондаги умумий ижтимоий ва фалсафий ғояларни кенг оммага мужассамлантириш ва тарғибот қилишга, машҳур арбобларнинг хотирасини ёки муҳим воқеаларни абадийлаштиришга бағишланган. Архитектуравий синтез монументал санъат, бино, ансамбл ёки меъморий ташкилий кенгликнинг ғояли мазмунини бойитади ва ойдинлаштиради. Айни пайтда улар деярли мустақил аҳамиятга эга бўлиб, меъморий ансамблнинг доминанти бўлиб ҳам хизмат қилади.

1970 йиллари Қорақалпоғистонда янги профессионал тасвирий санъатнинг шаклланиши, айтиш мумкин, 1970-2000 йиллари Қорақалпоғистонда маҳаллий профессионал рассом-монументалистлар жамоасининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Рассомлар ижодий жамоасининг пайдо бўлиши эса, улар эгаллаган ижодий ўзига хослик ва мазмун, рассомлик санъати ва ҳайкалтарошлик усуллари хилма-хиллигининг ривожланишига асос яратди. Янги тасвирий воситалар билан тасвирлаш масалаларини ечиш эмоционал-бадиий ифодалилиқ воситаларини фаол излаш билан олиб борилди.

Бу босқичда (1970-2000 йй.) профессионал услублар тизимини ишлаб чиқиш бош вазифага айланди. Бу даврнинг бир қисми Қорақалпоғистон санъатида шу билан аҳамиятлики, бу қисмда жаҳон маданияти анъаналарининг миллий тафаккури призмасини синдира туриб, рассомлар ўз миллий, ўзига хос ижодиёт илдизлари аҳамиятини уларни рассомлик санъати⁴⁸ анъаналари билан синтезлашга уринган ҳолда «англай» бошлашди.

Кейинги ўн йилликда, XX асрнинг сўнги ва XXI асрнинг бошида шаҳарлар ва қишлоқларни ободонлаштириш бўйича аҳамиятли ишлар олиб борилди, тез суръатлар билан Нукус, Тўрткул, Беруний, Қўнғирот, Тахиатош, Хўжайли шаҳарлари ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари ривожланди. Туман марказлари ва қишлоқ аҳоли пунктлари қайта янгиланди. Чўл ерларда ўнлаб замонавий шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари вужудга келди. Кўриб чиқилган давр мобайнида

⁴⁸ Уразимова Т.В. Претворение традиционного национального художественного наследие в произведениях каракалпакских художников.: Автореф. дис. ... канд. иск. – Ташкент: НИИ искусствознания, 1993.

Қорақалпоғистон Республикаси монументал санъатининг тўла ҳуқуқли ривожланишини кўлга киритди. Рассомларнинг меҳнати санъатга ва инсонларнинг турмушига теранг кириб келмоқда. Бугунги кунда рассомлар ва архитекторлар монументал-безак санъатини ривожлантиришда кўп ва қизиқарли тарзда ҳамкорликда ишлашмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси монументал-безак санъати бошқа бадиий кўринишлар сингари ўзининг эволюцион тусдаги ривожланиш жараёнига эга бўлиб, ушбу жараён шу кунга қадар давом этиб келмоқда. Бадиий услубнинг пайдо бўлишида ҳар хил йўналишларда иштирок этади. Шулардан энг асосийси бадиий санъатни ўзига хос мерос асосида шакллантириш ҳисобланади. Монументал санъат дастурий меросининг миллий ўзига хослигига қаратилиши, ишнинг шакли ва мавзуида, шунингдек унинг тузилишидаги яхлитликда ва архитектуравий асарнинг ифодалилик каторида намоён бўлмоқда.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон монументал санъати тўғри чизиқли ва бир хил маънода ифодаланишидан тортиб то архитектура ва монументал- безак санъат синтези бўйича рационал танланган мавзунининг талқин қилинишигача бўлган бой тажрибага асоланган табиий йўл билан шаклланиб ва ривожланиб келмоқда.

Диссертациянинг **«Қорақалпоғистон архитектурасида монументал-безак санъати анъаналарини тадқиқ қилиш»** деб номланган иккинчи бобида монументал-безак санъатининг Нукус шаҳри архитектуравий-шаҳарсозлик комплекслари билан синтезланувчи яъни, муштараклик омиллари тадқиқ қилинган ва таҳлил ўтказилган, анъанавий миллий орнаментларнинг архитектурада трансформация қилиниши аниқланган, Қорақалпоғистон Республикаси архитектураси ва монументал-безак санъатининг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Қорақалпоғистонда шаҳарсозлик ва монументал-безак санъати юксалишининг замонавий босқичи бадиий ташкил этилган шаҳар муҳитини фаол шакллантиришга интилиш билан тавсифланади.

Санъатлар синтези, ҳар хил санъат турларининг бадиий бус-бутунликка узвий бирлашиши инсон ҳаётининг моддий ва маънавий муҳитини эстетик жиҳатдан ташкиллаштиради. Бундай фазовий-пластик синтезда, одатда, декоратив-амалий санъат иштирок этади, унинг воситалари ёрдамида инсонни ўраб олган предметли муҳит яратилади.

Архитектура ва шаҳарсозликнинг эстетик тамойиллари санъат синтезининг янги шакллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Архитектура ва монументал-безак санъатини синтез қилишнинг энг яхши натижаларига рассомлар ва архитекторлар халқ анъаналаридан ижодий фойдаланиб, қаралаётган архитектуравий вазиятга узвий боғланган мустақил асарлар яратгандагина эришиш мумкин.

Кейинги йилларда, бир томондан, жамоат биноларида ҳар хил турдаги архитектуравий безакни инкор этиш, архитектуравий ифодалиликнинг хусусий шаклларига эътибор қаратилаётганлик ҳолатлари кузатилаётган бўлса, иккинчи томондан, монументал санъатининг янги имкониятларига қизиқиш уйғонаётганлигини кузатиш мумкин. Замонавий архитектура йўналишидаги

бош фарқ иккита тамойил-ижтимоӣ вазифалар ва моддий-техник воситалар ҳамда умумий ғоявий-бадӣ тамойиллар яқдиллигининг мавжудлиги, давом этаётганлиги билан аниқланади. Бу тамойиллар ўз таркибига энг илғор миллий жиҳатларни киритувчи анъанавий асосларнинг намоён бўлишига шарт-шароит яратади. Ҳозирги вақтда архитектура ҳар бир миллатнинг миллий архитектуравий анъаналари спецификаси билан шарт-шароитланадиган ҳиссасининг ўзига хослиги, табиӣ-иқлим шароитлари ва бошқа бир қатор омиллар билан узлуксиз бойитилмоқда.

Архитектуранинг ҳар хил санъат турлари билан фаол боғланишининг намоён бўлаётган кўринишларидан биттаси бу архитектуравий шаклнинг пластик услубларини оширувчи расмий-стилистик тизимининг мураккаблашишида ўз аксини топмоқда. Монументал санъат учун (унинг тарихий ретроспективасида) ҳар доим шундай мавзуларга диққат-эътиборни жамлашга интилинганки, мазкур мавзулар даврнинг асосий ғояларини ифодалашга энг катта имкониятларни баҳшида этган.

Ҳозирги вақтда фазо, фазовий-ҳажмий ўзаро боғланишлар ҳукмронлик қилувчи муаммога айланган бўлиб, бу муаммо монументал-безак санъатининг образли-пластик тилини аниқлаб беради, архитектуравий шаклларни «структуралаштиради». Замоनावий санъат ва архитектура бир бутунликка, уйғунлашувга, миллий образлар ва шаклларни ишлаб чиқишга интиляпти ва бу анъана санъатнинг ривожланишига ҳеч ҳам халақит қилмайди, аксинча унинг истиқболли ривожини аниқлаб беради. Ўтмишни келажак билан бирлаштирувчи ўзига хос оралиқ боғловчи бўғин сифатида миллий сарчашмалар ва анъаналар хизмат қилади, улар бутун илғор анъаналар ва маданий бойликларнинг келажак авлодга мерос бўлиб қолишини таъминлайди, бундай анъаналар ва сарчашмалар ўзига миллий маданият ва яратилаётган янгиликларнинг ўзаро таъсирлашув натижаларини сингдирган ҳолда барча ижодкорларнинг тинимсиз изланишлари билан бойитилади, бундай янгиликларни эса фан, техника, санъат таклиф ва тақдим этади.

Ривожланишнинг замонавий босқичида санъатни синтез қилиш учта асосий сатҳда: яхлит шаҳарсозликда, турар-жой туманида ва алоҳида бинода намоён бўлади. Барча сатҳларда монументал-безак санъатига муҳит механизмининг ўзига хос боғловчилик роли ажратиб берилади. Ҳар бир конкрет вазиятни лойиҳалаш жараёнида тегишли ғоявий-образли ва маънавий-таъсирчан рангдорликка эришиладимиз ёки шунчаки декоратив безак ҳосил қилинадими бундан қатъи назар миллийлик ва замонавийлик омиллари ҳамда муҳитга мослашув етакчи аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, Қорақалпоғистон монументал-безак санъати жамият ривожининг замонавий босқичида шаҳар фазовий тузилмасини ва алоҳида биноларни ташкил этмоқда, уларга табиӣ руҳият ва ғоявий-образларнинг синтезлашуви ва уйғунлашуви куч-қувват бермоқда. Монументал-безак асарларнинг максимал маънодорлигига эришиш учун уларни яратиш жараёнига миллийлик ва замонавийликнинг дастурланган синтез тизимининг киритилиши асосий вазифалардан бирига айланмоқда.

«Қорақалпоғистон замонавий архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал-безак санъатини қўллаш истиқболлари» деб номланган учинчи бобда республика монументал санъатини комплекс таҳлил қилиш амалга оширилган, ландшафт архитектурасининг замонавий методларини шаҳар муҳитига қўллаш бўйича таклифлар берилган, Қорақалпоғистон замонавий архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал-безак санъатини ривожлантиришнинг истиқболли йўллари аниқланган.

Қорақалпоғистон Республикасида монументал-безак санъати асарлари кенг ва кўп қирралидир. Кейинги ўн йил давомида бу масканда Ғарб санъати тажрибасини ва монументалистиканинг бир қатор миллий анъаналарини ўзига сингдирувчи ранг-баранг (гулдор), нақшинкор, кўп стилли йўналиш таркиб топди. Томоша қилаётган инсон худди «ҳаққонийдек» қабул қилинадиган иллюзияли-фазовий тасвирий санъатда ҳар бир детални максимал даражада ишончли қилиб тасвирлаш зарурияти маълум бир йўналишларни бир нечта нуқталар билан фазовий ривожланишини ишлаб чиқиш, ҳажм моделировкаси, ракурсни инобатга олган ҳолда онгли равишда узоқдан қабул қилинадиган шаклларнинг «бўрттирилиб кўрсатилиши» ва ҳоказоларда касбий маҳоратни такомиллаштиришга ҳамроҳлик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси миллий анъаналари ва архитектурасининг ўзига хос жиҳатларини ўзлаштиришга бўлган принципиал янги ёндашув билан Нукус шаҳрида Савицкий номидаги Давлат музейи қад ростлаган (арх. С. Сутягин ва И. Ли, 2003 й.). Бу музей нафақат бизнинг республикамизда, балки бутун жаҳон санъат хазиналари ичида муносиб ўринни эгаллайди.

Нукус шаҳрининг юбилейи муносабати билан мазкур музейдан узоқ бўлмаган жойда Ажиниязу Қосыбай Улыга ҳайкалтарошлик ёдгорлиги ўрнатилди (арх. К. Молутов, ҳайкалтарошлар А. Рахматуллаев, Л. Рябцев). МДХ турли мамлакатларида кўплаб хотира мажмуаларнинг аксарияти Улуғ Ватан уруши воқеаларига бағишланган. Мазкур мажмуалардаги ёдгорликлар уруш мавзусини инсониятнинг фожеаси сифатида очиб бериш билан бир вақтнинг ўзида уруш қатнашчиларининг руҳий кучини, инсонпарварлик ва ватанпарварлик фазилатларини ҳам ёритиб берган. 1941-1945 йилларга бағишланган хотира ёдгорлик – Мангу олов ва унинг ёнида жойлашган «Мотамсара она» ҳайкалтарошлик композициясига мисол бўла олади (арх. О. Торениязов, ҳайкалтарош Ж. Толегенов, 1999). Эгилган ҳолатдаги мотамсара қорақалпоқ аёл – она натуравий ифодаланган қомати юқори маҳорат билан ижро этилган (Нукус шаҳри). Икки аскар – қорақалпоқ ҳамюртларнинг образини ўзига синдирган музей ва ёдгорлик ажойиб пластик ечимда ижро этилган. Жангчи-аскарларга бағишланган мазкур монументал ҳайкалтарошлик асари музейнинг бадиий образини шакллантириш асоси бўлиб ҳисобланади. «Кимларнинг жасоратлари ва шон-шуҳрати мангу бўлади» мавзусида Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга бағишланган хотира мажмуа Халқабодда яратилган. Баланд бўлмаган узун девор устида бажарилган рельеф унинг маркази ҳисобланиб, жасорат мавзусини конкретлаштирган. Муаллиф трактовкасида ҳақиқий трагедик воқеа инсонга хос бўлган юқори маънавият ва ахлоқ мадҳиясига айланган.

Монументал-безак рассомлик соҳасида, архитектура синтезида, шаҳар турар-жой мавзеларига бус-бутунлилик берган ҳолда бинолар қаторининг (Нукус шаҳри микрорайонлари уйлари, «Черемушки» турар-жой массиви лойиҳалари) «Меҳнат-Тинчлик-Бахт-Қардошлик» мавзусида яқдиллик сифатида қўлланилди. Рассомлик санъати композициясининг ўзи янги позициялар – хусусан, ҳақиқий фазо ва тасвирий ифодаланаётган фазо ўртасидаги ўзаро муносабатлар нуктаи назаридан куриб чиқилган, бу образнинг бошқача ечилишига ва шаклни моделлаштиришга олиб келган. Чимбой шаҳрининг марказига халқ қизиқчиси-аскиябоз Омирбек-лаққи (қорақалпоқ халқ юмор қаҳрамони)га бағишланган қизиқарли ёдгорлик ўрнатилган.

Кейинги йиллар амалиёти, монументал-безак рассомлик санъат асарини жойлаштиришнинг мақбул танланиши шаҳар муҳитида ғоявий-мазмунли-декоратив акцент сифатида қанчалик муҳимлиги ҳақида гувоҳлик бермоқда. Айнан муҳит нуктаи назаридан ёндашиш, конкрет шаҳарсозлик вазиятларини ҳисобга олиш бугунги кунда рассом-монументалист, архитектор ва ландшафт дизайнерига қўйиладиган зарурий талабларга айланган.

Ўзбекистон Республика сифатида мустақилликка эришгач унинг таркибига суверен Қорақалпоғистон ҳам кирди, тарих саҳифаларига киритилмаган ўтмишнинг буюк мутафаккирлари номлари абадийлаштирилди, асрлар оша юксалиб ва бойитилиб келинган халқ анъаналари ва урф-одатлари қайта тикланди. Ёш давлатнинг идеологик устувор жиҳатларини шакллантириш жараёни, миллий ўзини англаш ғояларини тарғибот қилиш зарурияти монументал санъат аҳамиятини янада кучайтирди. 1990 йилларнинг иккинчи ярмида республикада шаҳарсозликнинг жонланиши, янги жамоат бинолари ва иншоотлари ҳамда майдонларнинг бунёд этилиши давлатнинг сиёсий ва ижтимоий соҳасидаги ўзгаришлар оқибати сифатида монументал ишларнинг бир бутун қатори яратилишига шарт-шароит берди.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон шаҳарсозлик-ландшафт амалиётида нафақат шаҳарлар, балки туман марказлари ландшафт архитектурасида «ёруғлик архитектураси» (ёруғлик тўсиқлари, маржонлари (грилянд), сунъий бутазорлар, ёруғлик тарқатувчи шамсиялар, ландшафт архитектураси объектлари худудлари қопламалари устидаги ёруғлик қайтарувчи плиталар ҳамда қирғоқ ва тиргак конструкциялар тизимида ёруғлик сочадиган геопластика), турли декоратив ранг-баранг чироқлар каби илғор технологиялар кенг қўлланилди. Буларнинг барчаси Қорақалпоғистон шаҳарлари ва туман марказлари ландшафт дизайнининг янги қирралари, янгича ёруғлик ранг турларини очувчи йўналишлар сифатида шаклланмоқда.

Жаҳон ландшафт санъатида янги йўналишлар – «АРТ-ландшафтлар» пайдо бўлди. Замонавий «артландшафтлар» – бу кўпроқ катта бўлмаган худудлардир, шунинг учун уларни санъат билан боғланган боғлар деб аташади. Ландшафт дизайнида бундай боғларнинг намоён бўлиши янгилик сифатида кўриб чиқилмоқда ва шу билан бир вақтнинг ўзида улар санъат асари сифатида ҳам қараб чиқилади. Уларнинг асосий ўзига хос хусусиятлари: худудининг чегараланганлиги туфайли улар музей экспозициялари сингари ташкил этилиши, бундай боғларда деталларга катта эътибор қаратилиши, баъзан

боғларнинг сунъий материаллар асосида лойиҳалашади, лекин бу лойиҳаларда ландшафт дизайни қоидалари бўйича «артландшафтлар»ни яратишнинг бирламчи усулларидан эмас: ҳар хил кўринишдаги шишалар, металл, бўёқлар, синтетик материаллардан фойдаланган ҳолда бажарилмоқда.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон монументал-безак санъатининг ривожланиши архитекторлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар касбий маҳоратларининг ўсганлиги, уларнинг ландшафт архитекторлари билан узвий ҳамкорлик қилаётганлиги билан аввалги даврларникидан фарқ қилади.

Юқорида фикр этилган тадқиқотлар асосида мазкур ишда Қорақалпоғистон Республикаси замонавий архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал-безак санъатини ривожлантиришнинг қуйидаги йўллари аниқланган ва тавсия этилган:

монументал-безак санъатининг барча турларини миллий мавзу ва безак йўналишига қўллаш;

амалий халқ санъати элементларидан уларга тасвирлашнинг ҳайкалтарошлик характерини берган ҳолда фаол фойдаланиш;

монументал-безак санъатининг ривожландиришнинг «яшил деворлар» ва «артландшафтлар» каби инновацион элементларини ўз ичига олади;

архитектура, шаҳар ва ландшафт муҳити объектлари орасида бадий уйғунликга эришиш ва бу йўналишда изланишлар олиб бориш;

бинолар архитектоникаси пластик маънодорлик ифодасини тегишли ҳудудларни ғоявий тўлдирилган хотира монументлар ва парк мажмуаларининг воситаси билан шакллантириш орқали кучайтириш;

турар-жой бинолари экстерьерлари (уларнинг тарзлари ва ён томон деворлари)ни бадий безашда Қорақалпоғистон халқ амалий санъати миллий орнаментларини излаб топиш ва қўллашни амалга ошириш, биноларнинг бош тарзлари, кириш ва бурама тождор тепа қисмлари учун нақшинкор безаклардан фойдаланиш, бундай безаклар мазкур биноларнинг функционал мазмунига мос тушиши керак;

шаҳар майдонлари ва транспорт чорраҳаларини безатишда монументлар, ҳайкаллар ва тимсолий шакллар каби монументал-безак намуналардан фойдаланиш тавсия этилади;

очиқ шаҳар ландшафт муҳитини безашда миллий-амалий ва топиар санъати шаклларида фойдаланиб яшил гиламлар яратиш тавсия этилади;

республикада модулли кичик-боғлар, контейнерлар ва гулдонлар ишлаб чиқарилишини ҳамда замонавий фитоластика ўрнатилишини йўлга қўйиш тавсия этилади.

ХУЛОСА

«Қорақалпоғистон замонавий архитектурасида монументал-безак санъатининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Монументал-безак санъатининг роли жамиятимизни ривожлантиришнинг замонавий босқичида ўлчаб бўлмас даражада ўсди. Илмий-техник

жараёнларнинг ютуқлари, янги шаҳарларнинг вужудга келиши ва тарихий таркиб топган шаҳарларнинг реконструкция қилиниши, йирик турар-жой ҳудудларининг замонавий усуллар бўйича қурилиши, ҳашаматли ва ноёб жамоат биноларининг бунёд этилиши Қорақалпоғистон Республикаси шаҳарлари муҳотида ғоявий-монументал санъатни ривожлантиришга олиб келди.

2. Қорақалпоғистон Республикаси замонавий шаҳарсозлиги ва монументал-безак санъатини ривожлантиришнинг замонавий босқичи бадиий-ташқил этилган шаҳар ва ландшафт муҳитини фаол шакллантиришга имкон беради.

3. Қорақалпоқ халқ монументал-безак санъати ва архитектуравий-бадиий мероси - ўзига хос келиб чиқиш тарихи, сер қиррали жиҳатлари ва кўп таркиблилиги билан катта қизиқиш уйғотади. Республика шаҳарлари ва туманларида жамоат ва турар-жой биноларини архитектуравий қуриш ва монументал безатишнинг замонавий амалиёти халқ ижодиётининг ажралмас қисмига айланди ва айнан улар Қорақалпоғистон шаҳарлари ҳамда туман марказларининг такрорланмас жозиба ва тароват касб этишига олиб келган.

4. Муҳитни шакллантиришнинг ўзига хос синтезлашувчи (муштараклик) жиҳатларига фазовий тузилмани ташқил этиш услублари, алоҳида элементларнинг конструктив тизимлари, шакли, уларнинг массаси, пластикаси, қурилиш мутаносиблиги, ритми, масштаби, фактураси ва материалларнинг ранги, жиҳозлар, мебеллар, уларнинг ягона композицияга қўшилиши ҳамда атрофдаги қурилиш ва табиий муҳит билан уйғунлашуви асосида эришиш мумкинлиги тавсия этилади.

5. Қорақалпоқ халқ декоратив-амалий санъатида безак усулларнинг бир нечта асосий гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу геометрик, зооморф, ўсимликлар шакли, предметли, антропоморфик мотивлардир. Қорақалпоқ – кўчманчиларда асрлар оша ҳайвонларга алоҳида эътибор қаратилган. Улар ичидан геометрик ва зооморф мотивлар биноларни безатишда кенг қўлланган.

6. Турар-жой ва жамоат бинолари тарзларининг пардозида услублаштирилган қорақалпоқ миллий орнаментидан фойдаланганлик характерлидир. Бутун бинога нисбатан (тарзларнинг барча текисликлари бўйича) қўлланилган ва бинонинг алоҳида қисмларига (биноларнинг ён томонларига, эшик ўринлари атрофини безатиш ёки уларни, бурчакларни, фронтонларни ажратиб кўрсатиш) орнаментал композициялардан бир неча лойиҳавий вариантлар тавсия этилади.

7. Монументал-безак санъати ва композицион-бадиий ташқил этишнинг қорақалпоқ миллий маданияти учун характерли бўлган тамойиллари, услублари, воситаларидан қуйидаги: бинолар, тарзлар ва уларнинг элементларининг ҳажмий-фазовий ечимларида, монументал-безак санъатининг воситалари (ҳайкалтарошлик, панно, тасвирий санъат) экстерьер ва интерьерда, тарзлар ва интерьерларни пардозлаш ҳамда бошқа архитектуравий ечимларда фойдаланилганлиги аниқланган.

8. Монументал-безак санъат воситаларидан фойдаланишда миллий рамзий жиҳатларни, жумладан миллий қаҳрамонлар (Бердақ, Ажинияз, Беруний ва

бошқалар), меҳнат қаҳрамонлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар, шу жумладан аграр ва миллий безакларни қўллаш таклиф этилади.

Асосий таклифлар ва тавсиялар қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон замонавий архитектураси ва шаҳарсозлигида монументал безак санъатини ривожлантиришнинг қуйидаги истиқболли йўллари аниқланди ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш тавсия этилади:

турар жой биноларининг экстерьерлари (бош тарз ва ёнлари)ни бадий безашда қорақалпоқ халқ амалий санъатининг асосини ташкил қилувчи миллий орнаментал безакларни уч услубда қўллаш: деворий нақш усулида; барельеф ёки ўйма нақш усулида; нақшни девор юзига осий усулида;

жамоат биноларининг бош тарзи, кириш қисми, яъни «остона», усти ва бадий тугаллик композицияларини халқ амалий санъати ва бинолар функциясига мос келувчи миллий нақшлардан фойдаланиб бадий безаш;

шаҳар майдонлари ва чорраҳаларининг жозибадорлигини амалга ошириш учун монументал безак санъатидан монументлар, ҳайкаллар ва рамзий белгилар тарзида фойдаланиш;

шаҳар майдонларидаги очик муҳитларни безаш учун яшил партерларни шакллантириш, улар устига дарахтсимон ўсимликларни экиб уларга «топиар санъати» шакллари бериш;

маҳаллий тупроқнинг шўрланганлигини ҳисобга олиб сунъий майсазорлар яратиш, Қорақалпоғистонда сунъий майсазорларни яратиш ва етиштириш учун махсус корхона қуриш; сунъий майсазорларда тувак ва контейнерларда ўсувчи «модулли боғлар»ни шакллантириш; сунъий майсазорлар юзини безашда халқ амалий санъати шаклларида, замонавий «фитопластика» ва «артландшафтлар»нинг бадий-техник элементларини қўллаш усулидан фойдаланиш;

Қорақалпоғистонда модулли кичик-боғлар, фотопластик қурилмалар тувак ва контейнерларни ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этиш.

Безатишнинг бадий дизайни ҳамда шаҳар очик муҳитининг ташқи ободонлаштирилиши бўйича мамлакатимиз ва хорижда тўпланган тажрибаларни ўрганиш натижасида диссертацияда дизайн компонентларининг мажмуаси таклиф этилди, мазкур мажмуа қуйида кўрсатилган бешта воситадан иборат:

жойнинг рельефи билан боғлиқ бўлган қурилиш қурилмалари;

сув дизайни воситалари;

ландшафт дизайни ва декоратив кўкаламлаштириш воситалари;

кичик архитектуравий шакллар ва ёруғлик дизайни воситалари;

монументал-безак санъат воситалари.

Ушбу компонентлар ва воситалардан фойдаланиш, шунингдек, уларни маҳаллий миллий усуллар асосида янада такомиллаштириш Нукус шаҳри ва Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳарларида архитектуравий-шаҳар муҳити дизайнини ривожлантиришда юқори самарага эришиш имконини беради.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSc.27.06.2017. A. 11.02
ON AWARDING SCIENTIFIC DEGREES AT TASHKENT
ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION INSTITUTE**

KARAKALPAK STATE UNIVERSITY

KIDIRBAYEV BAKHRAM YULDASHEVICH

**FOUNDATION AND THE WAYS OF DEVELOPMENT
OF MONUMENTAL AND DECORATIVE ART IN MODERN
ARCHITECTURE OF KARAKALPAKSTAN**

**18.00.01 – History and theory of architecture
Restoration and reconstruction of architectural monuments**

**ABSTRACT
OF THE PhD THESIS IN ARCHITECTURE**

Tashkent – 2019

The theme of the doctoral dissertation (PhD) is registered in the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under B2017.4. PhD/A23.

The thesis was written at Karakalpak State University.

The abstract of the thesis in two languages (uzbek, rus) is posted on the web page at <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtohref.html> and on the Informational and educational portal «ZiyoNet»: www.ziyo.net/uz.

Scientific adviser: **Uralov Akhtam Sindarovich**
doctor of architecture, professor

Scientific adviser: **Khidoyatov Timur Abrorovich**
doctor of architecture, professor

Gilmanova Nafisa Valiaxmetovna
doctor (PhD) on architecture, docent

Leading organization: **Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan**
Khorezm Academy Mamun

The defense of the thesis will be held on «___» _____, 2019 at _____, at a meeting of Scientific Council by № DSc27.06.2017. A.11.02 at Tashkent architectural-construction institute (Address:100011, Tashkent city, A. Kadiry Street, 7B, Tel: +99871 237-11-37, fax: +99871 241-15-11. Web page: www.taqi.uz, e-mail: devon@taqi.uz. Conference hall of the architecture faculty).

The dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent State Architecture and Construction Institute (registered under No. 28). Address: 100111, Tashkent city, Malaya Koltsevaya street, 7. Tel: +99871 234-60-16.

The abstract of the dissertation is sent «___» _____ 2019.

(Protocol dispatch number № ___ from «___» _____ 2019.

D.A.Nazilov
Chairman of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, doctor of
architecture, professor

T.Sh. Mamatmusayev
Scientific secretary of the Scientific Council
for awarding scientific degrees, doctor of
architecture

T.A. Khidoyatov
The chairman of the scientific seminar at the
Scientific Council for awarding scientific
degrees, doctor of architecture, professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

The aim of the research is to carry out a search for artistic priority ways of forming and developing monumental-decorative art in the architecture of Karakalpakstan, to give the modern architecture of Karakalpakstan a national peculiarity and to enrich the urban and landscape environment with the exterior.

The object of the research is the architecture of the exteriors and interiors of public and residential buildings in Nukus city and other cities of the Republic of Karakalpakstan in conjunction with monumental art and syntheses of fine national creativity, decor of folk applied art in an open urban environment.

The scientific novelty of the research:

the stage-by-stage formation of monumental-decorative art in public buildings as mosaic (1960-1980), relief (1980-1990) and painted wall decorations (during the years of independence) is defined;

widespread use of geometric, zoomorphic, subject and floral traditional decorative elements in the Karakalpak national dress for decorating buildings of modern architecture is established;

the effectiveness of the use of five design components, as a means associated with the relief in the improvement and landscaping of the urban environment, water design, landscape design, small forms and light design, monumental and decorative art is proved;

artistic properties, compositional methods, color, girih, zoomorphic floral patterns, their geometric compatibility with the monumental-decorative art of Karakalpakstan is defined;

graphic art - graphic models of wall patterns of folk applied art for the exterior of the Amphitheater and residential buildings of the city of Nukus is created.

The implementation of the research results: Based on the results on the topic «Formation and development of monumental and decorative art in the modern architecture of Karakalpakstan:

project proposals developed on wall patterns of folk and applied art for residential buildings and a monumental and decorative design for the exterior of the Amphitheater building in Nukus are used in practice (Certificate of the Ministry of Construction of the Republic of Karakalpakstan No. 01-07 / 01-10, dated January 7, 2019). As a result, it became possible to use scientific results in the research for effective ways of developing monumental and decorative art in Karakalpakstan;

design proposals for the development of landscape architecture created in the form of national patterns for the central streets of the city of Nukus are used in practice (Certificate of the Ministry of Construction of the Republic of Karakalpakstan No. 01-07 / 01-10, dated January 7, 2019). The use of scientific results serves to form effective ways of developing monumental and decorative art in architecture and urban construction;

scientific information about artistic properties, compositional methods, coloring, geometric, zoomorphic and floral patterns and the sides of their compatibility in existing samples of monumental and decorative art in constructed buildings and structures in the territory of Karakalpakstan from ancient times to the present, as well

as information about the use of monumental and decorative art in public buildings in the form of a monumental mosaic (1960-80), relief (1980-90) and wall paintings (in the years of independent) are used in practice (Certificate of the Mamun Khorezm Academy, No. 15/11-21, dated December 11, 2018). As a result, it became possible to decorate the territory of the historical museum - reserve Ichan Kala in traditional methods.

The structure and volume of the research. The dissertation consists of an introduction, three chapters, conclusion, list of used literature and contains 110 pages.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORDS

I бўлим (I часть; I part)

1. Кидирбаев Б.Ю. Особенности архитектуры и монументального искусства в Республике Каракалпакстан // Вестник ККО АН РУз, Нукус, 2011, №2, – С.115.

2. Кидирбаев Б.Ю. Роль монументального искусства в архитектурно-художественной практике Республике Каракалпакстан // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари – Самарқанд – 2011. СамДАҚИ-№3. – С.29-3.

3. Kidirbaev B.Yu. Traditional national ornament in the architecture of karakalpakstan//International Journal of Science and Research. – Raipur, India. /Volume 7 Issue 9, September, 2018. – pp.1491-1493. Impact Factor 7,296.

4. Кидирбаев Б.Ю. Традиционный национальный орнамент в архитектуре Каракалпакстана//Архитектура.Қурилиш.Дизайн. Ташкент – 2018. – ТАҚИ – №3-4. – С 61-66.

5. Kidirbaev B.Yu. Use of modern methods of landscape architecture in urban planning of the republic of Karakalpakstan//Қорақалпоғистонда фан ва таълим, Нукус, 2019, №2. – С.44-47.

6. Кидирбаев Б.Ю. Перспективы развития монументально-декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпакстана// Роль научных кризисов в развитии современного общества» материалы международной научно-практической конференции – Санкт-Петербург (Россия), 2018, октябрь, С.43-45

7. Кидирбаев Б.Ю. Традиционный национальный орнамент в архитектуре Каракалпакстана//Актуальные проблемы мирового научного пространства. Современный космос. Теория и практика» материалы международной научно-практической конференции – Казань (Россия), 2018, октябрь, С.77-79.

8. Кидирбаев Б.Ю. Аспекты монументально-декоративной композиций в современной архитектуре Республике Каракалпакстан// Самарқанд шаҳри архитектураси замонвий шаҳарсозлик ва шаҳар қурлиши муаммолари – Республика илмий – амалий конференция СамДАҚИ, 2011, 21-22 май, 43-44 б.

9. Кидирбаев Б.Ю. Монументально-декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпакстана// «Экология ва Ўзбекистон шаҳарлари архитектуравий мухнининг ландшафт дизайни» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман ТАҚИ, 2017, 84-86 б.

II часть (II бўлим; II part)

10. Кидирбаев Б.Ю. Особенности архитектуры и монументального искусства в Республике Каракалпакстан// Самарқанд шаҳри архитектураси замонвий шаҳарсозлик ва шаҳар қурлиши муаммолари – Республика илмий – амалий конференция СамДАҚИ, 2011, 21-22 май, 44-45 б.

11. Кидирбаев Б.Ю. Из истории становления и развития монументального искусства Каракалпакстана// Архитектура ва қурлиш соҳаси учун кадрлар таёрлаш муаммолари – Республика илмий – амалий конференция, КГУ, 2012, апрель, 218-219 б.

12. Кидирбаев Б.Ю. Формирование монументального искусства в Республике Каракалпакстан//Архитектура ва қурилиш соҳаси учун кадрлар таёрлаш муаммолри – Республика илмий – амалий конференция КГУ, 2012, апрель, 36 б.

13. Кидирбаев Б.Ю. Развития монументального искусства в архитектуре Каракалпакстана//Современная архитектура и инновация», Международная конференция. ТАСИ, 2012, ноябрь. С. 27.

14. Уралов А.С., Кидирбаев Б.Ю. Факторы восприятия и анализ монументального искусства в синтезе с архитектурой городской среды в Каракалпакстане// Архитектура.Қурилиш.Дизайн. Ташкент – 2012. – ТАҚИ – №1. – С 3-8. (18.00.00. Мил.н. №1)

15. Уралов А.С., Уралов А.А., Кидирбаев Б.Ю. Архитектуранинг меъморий шакллар уйғинлиги қонуни// Республика илмий-техник анжуман – СамДАҚИ, 2014, май, 37 б.

16. Уралов А.С., Уралов А.А., Кидирбаев Б.Ю. Анъанавий меъморчиликда курси, остона ва бадий тугаллик шаклларининг илғор анъаналарини аниқлаш// Республика илмий-техник анжуман – СамДАҚИ, 2014, май, 40 б.

17. Уралов А.С., Уралов А.А., Кидирбаев Б.Ю., Калхоразов А. Биноларнинг ҳажмий тарҳий ечимларида курси, остона ва бадий тугаллик композицияларининг самарадорлигини ошириш масалалари//Биноларнинг бадий самарадорлигини ошириш ва қурлиш физикасининг долзарб муаммолари-Республика илмий-техник анжуман – СамДАҚИ, 2015, май, 6-10 б.

18. Кидирбаев Б.Ю., Абекеева А.А., Тургаев Ж. Актуальность и содержание исследований по выявлению значения и роли монументально-декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпакстана// «Архитектура таълими ва инновация» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман ТАҚИ, 2015, 145-147 б.

19. Уралов А.С., Кидирбаев Б.Ю., Акимниязов З. Бадий тугаллик қонунияти-архитектура назариясида янгилик// «Архитектура таълими ва инновация» Республика илмий-амалий анжуман ТАҚИ, 2015, 26-30 б.

20. Кидирбаев Б.Ю., Зукурова С. Роль орнамента в архитектуре Каракалпакстана//Вестник. Нукус-2016. КГУ – №4. – С. 33.

21. Кидирбаев Б.Ю., Зукурова С. Развитие Каракалпакского орнамента в архитектуре и прикладном искусстве на современном этапе// Шаҳар қурилиши ва ҳўжалигининг долзарб масалалари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман ТАҚИ, 2017, ноябрь, 43-48 б.

22. Дурдиева Г., Кидирбаев. Б., Абатов Ж., Зукурова С. Разработка конструктивных мер по обеспечению долговечности памятников архитектуры Хорезма// Вестник ККО АН РУз, Нукус, 2017, № 1, С.131-132. (18.00.00. Мил.н. №8)

23. Кидирбаев Б.Ю. Формирование и пути развития монументально-декоративного искусства в современной архитектуре Каракалпакстана// Ўқув қўлланма-Қорақалпоғистон, Нукус, 2017, 4,25 б.т.

24. Кидирбаев Б.Ю. Современные тенденции развития ландшафтной Архитектуры в градостроительстве республики Каракалпакстан // «Вопросы устойчивого развития архитектуры и городского строительства в приаральском регионе», международной научно-практической конференции – КГУ, 2019, С.212-213.

Автореферат «Архитектура. Қурилиш. Дизайн» журналида таҳрирдан ўтказилди (21.10 2019 йил).

Босишга рухсат этилди: ____ .11.2019 йил
Бичими 60x45 ¹/₈, «Times New Roman»
гарнитурда рақамли босма усулида босилди.
Шартли босма табағи 2,7. Адади: 100. Буюртма: № _____.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68

«АКАДЕМИЯ НОШИРЛИК МАРКАЗИ»
Давлат унитар корхонасида чоп этилди.